# Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2 360,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 108,0 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,5 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд.сўм | | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **1 961,5** | **2 360,2** | **108,0** |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 1 852,7 | 2 218,3 | 107,9 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 108,8 | 141,9 | 108,7 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | 1 852,7 | 2 218,3 | 107,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 274,7 | 329,1 | 105,7 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 549,9 | 670,5 | 109,6 |
| саноат | 327,6 | 404,3 | 110,0 |
| қурилиш | 222,3 | 266,2 | 109,0 |
| Хизматлар | 1 028,1 | 1 218,7 | 107,6 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 209,2 | 260,2 | 110,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 248,1 | 279,9 | 108,1 |
| бошқа хизматлари | 570,7 | 678,6 | 106,4 |

Январь-июнь ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

**2016 йил**




**2017 йил**




Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (18,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (12,6 %), қурилиш (12,0 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 64,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнга нисбатан 1,2 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 55,0 фоиз (2016 йил январь-июнда 55,5 фоиз)ни ташкил қилди.